

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ” ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНИ

Тузувчилар: п.ф.н., доцент Б.Х.Ходжаев,
п.ф.н. М.Умарова,
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи Ш.Тайланова

ТОШКЕНТ – 2011

1-мавзу: Педагогика тарихи курсига кириш. энг қадимги даврлардан VII асргача таълим - тарбия ва педагогик фикрлар

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Дастлабки тош қуролларидан тирикчилик учун фойдаланишда анча такомиллашган меҳнат қуроллари яшашгача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Маълумки, кишилар ва кишилик жамияти вркудга келиши жараёнида инсон ҳам биологик жихатдан, ҳам инсон сифатида такомиллашиб борган. Дастлабки диний эътиқодлар, оддий ихтироларнинг такомиллашиб бориши, инсон онгининг шаклланиб боришига туртки бўлди. Бу жараён минг-минг йиллар давом этиб, инсон онги шаклланишининг асоси бўлган хулқ-одоб қоидалари таркиб топади.

Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари, орзу-умидлари, хислатлари қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган. Рухга сиғиниш - онимизм, аждодлар рухига сиғиниш тотемизм, сеҳргарлик каби диний эътиқодлар ва маросимлар акс этган афсоналар, ривоятларда энг қадимги авлодларимизнинг тафаккур дунёси акс этган.

Шуни таъкидлаш лозимки, энг қадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган. Туркий ва форсийзабон халқларнинг «хаёт кечириш санъати, донолик малсмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси» ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари: Марказий Осиё халқларининг энг қадимги маросимлари, урф-одатлари, ижтимоий-фалсафий, маданий, адабий-тарихий воқеаларини ифода

этувчи комусий ёдгорлик намунаси бўлмиш «Авесто»; афсонавий қахрамонлар тасвирланган дostonлар яъни, «Алпомиш», «Манас», «Широк», «Тўмарис», «Гўрўғли», «Муродхон», «Равшан», шунингдек қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асарлари, Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Урхун-Енисей битиклари ва бошқа шу каби адабий-тарихий манбаларда сакланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Хусусан, тарбия инсоннинг ақлий ва ахлоқий жихатдан таркиб топа боришига таъсир этган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам, ўз навбатида, инсоният жамиятининг таркиб топа боришига ёрдам берган. Хуллас, инсоннинг ўз-ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган. Бу тарихий жараёни билиш, инсон тафаккурининг қадимги даврлардан бошлаб босқичма-босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора шакллана борганлиги ҳақида тўла тасаввур хосил қилишга имкон беради.

Юқорида келтирган тарихий, фалсафий, педагогик адабиётларда тадқиқотчилар, умуман, энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манбага таянганлигини кўраимиз:

- 1.Халқ оғзаки ижоди материаллари.
- 2.Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.
- 3.Архелогик қазилмалар натижасида топилган ашёлар.

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат кўникма ва малакаларини хосил қилишга ёрдам берган.

Тарихчилар ва тарихчи-педагогларнинг кўрсатишича, кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жихатидан уч гуруҳга бўлинган:

- 1)болалар ва ўсмирлар;
- 2)ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок этувчилар;
- 3)кексалар.

Эрамиздан олдинги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қахрамонлик мазмунидаги жуда кўп афсоналар ривоятлар айтилган бўлиб, улар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» га киритилган.

«Авесто»да инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри, иши, бирлигига катта эътибор берилган. Бу ахлоқий учлик энг қадимги даврлардан бошлаб ундан кейин яратилган барча маърифий асарларга асос бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

Зардуштийлик таълимотини жамғарилган Зардуштнинг китоби бизгача 2 нусхада етиб келган.

Биринчиси-дуолар тўпламидан иборат бўлиб, «Вендидот»- седе, яъни «Пок Вендидот» деб аталади (А.Ирисов). Бу китобга «Ясна»лар, «Висперед» ҳам киритилиб, бир бутун тарзда шаклланди. Иккинчисида ҳам, биринчисидаги каби «Вендидат», «Ясна», «Висперед» лар киритилган бўлса ҳам, бу китоб таржима қилиниб шархлар билан берилди. Шунинг учун ҳам шархли нусхаси «Авесто ва Занд» ёки «Занд Авесто» деб юритилади. Иккинчи вариантга биноан «Авесто» 15уйидаги қисмлардан иборат:

1.«Вендидот» 22 бобдан иборат. Асосан, Ахуру Мазда билан Зардуштнинг савол-жавоби шаклида ёзилган бўлиб, у ёмон руҳларни, девларни енгаш воқеалари, гуноҳлардан пок бўлиш қоидалари ҳамда мифологик унсурларни ўз ичига олади. Яъни девларга қарши қонун, қонуннома бўлиб, ёмонлик тимсоли бўлган девларга нафрат билан қарашдан иборатдир.

Ахура Мазда юртида яхшилик, хайрли ишларни юзага келтирса, Анхра Ману (Ахриман) ўз юртида ёмонлик яратади.

2.«Виспарад». У 24 бобдан иборат. «Виспарад» ибодат кўшиқларини ўз ичига олади.

3.«Ясна». Ясналар 72 бобдан иборат. Диний ибодатлар пайтида, қурбонликка чакириш маросимида айтиладиган кўшиқлар, худолар мадҳияси

ва бошкалар. Унинг 17 боби Готлар деб аталади. Булар «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари саналади.

4. Яштлар. У зардуштийлик худолари ва маъбудалари мадҳига айтилган 22 кўшиқ (Гимнлар)ни ўз ичига олади.

5. Кичик Авесто (Хурда Авесто, Хвартак-апастак). Қуёш, Ой, Ардвисура, Митра, олов ва бошка худо ҳамда маъбудалар шарафига йиғилган кичик ибодат текст (Гимнлар)дан иборат. Зардуштийлик тўғрисида сўз борганда унда тўғрилиқ билан яшаш ва ахлоқий унсурларга асосланганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, «Авесто»да зардуштийликнинг инсонга, инсоннинг жамиятда тутган ўрнига муносабати «гот»ларда тўлиқ ёритилган.

Тарбиявий манба сифатида «Авесто» катта аҳамиятга эга. Юкорида айтганимиздек, Зардушт қадимги кабилалардаги диний эътиқодларни ислоҳ қилган. Зардушт таълимотининг янгилиги шундаки, Ахура Мазда (Қодир илоҳ_ дунёда адолат ва яхшилиқнинг ижодкори саналади: Анхра Мани эса (ёвуз рух) барча ёмонликлар сабабчиси. «Авесто» нинг мазмуни ҳақида унинг бизгача етиб келган парчалари матнларига асосланиб кўйидагилар ифодаланганини кўрамиз:

Энг қадимги туркий тилда яратилган ва турк-руний ёзувида битилган Урхун-Енисей битиклари ҳам VI-VIII асрларда ёзиб қолдирилган бўлиб, улар таълим-тарбияга оид қимматли маълумотлар беради.

Гарчи Урхун-Енисей ёзма ёдгорликлари бевосита таълим-тарбия масалаларига багишланмаган бўлса ҳам, улардан ўша давр ахлоқий талаблар юзасидан маълум бир маълумот олиш мумкин. Хусусан, хоқонлар ва алпларнинг жанговор фаолияти, турмуш тарзи, ватанпарварлик, бирдамлик, иттифок бўлиб яшашга интилиши, мардлик, жасорат, самимийлик, инсонпарварлик, эзгулик каби инсоний хислатлари жамият ҳар бир аъзосининг ахлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим фазилатлар сифатида маърифий қадриятларимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга.

VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача таълим тарбия ва педагогик фикрлар таракқиёти.

VII асрдан бошлаб араблар Мовароуннаҳрга ҳам хужум бошлади. VIII аср ўрталарида эса бутун Мовароуннаҳр забт этилди, натижада бу ўлкада ҳам халққа ислом дини қабул қилдиридди. Араблар истило этгач Мовароуннаҳрда ҳам ислом ғояларига асосланган таълим — тарбия тизими ўрнатилди бошланди. Ва янги тизимга эга бўлган таълим муассасалари пайдо бўлди. Ислом дини қабул қилинган жойларда мачитлар, мачитлар қошида эса мактаблар ташкил этилди. Араб тилини ўрганиш жорий этилди, мактабларда таълим араб тилида олиб борилар ва у ерда асосан "Қуръони Карим" ўрганилар эди. Араб бўлмаган болаларга ислом дини асосларини ўргатиш мақсадида "Хафтияк", "Чор китоб" каби дарсликлар ўқитиларди.

XII асрдан бошлаб, ислом динини туркий тилда ёзилган асарларда ҳам оммалаштириш бошланди. Мисол тариқасида Аҳмад Яссавийнинг "Хикматлар" асарини келтириш мумкин. Халқ асосан, ўз она тилида сўзлашса ҳам, ёзув араб алифбосида эди. У даврда савод чиқариш ҳарф ва сўзларни ёзишни ўрганишдан бошланар эди. Мактаб сўзининг, арабча "ёзув ўргатадиган жой" деб номланиши ҳам ана шундандир. Мактабларда болаларга ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган, бундан ташқари, ўсмирларга савдо санъати, араб тили, мантиқ, нотиклик, хуснихат, арифметикадан сабоқ берилган.

Ҳар бир мактаб талабасининг сони 30 — 40 дан ошмаган. Мачитлар хузуридаги мактабларда асосан "Қуръон" ўқитилган.

"Хадис" ва "сунна" сўзлари бир- маънони англатиб, Расулуллохнинг ҳаёти ва фаолиятида диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръони Карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг, хадисларни

Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб, уни ёзиб беришларига рухсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоҳу алайҳивасаллам ҳузурида саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Хурайра шундай мўътабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга бахш этган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳих) бўлган.

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр - оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота - она ва катталарга, қариндошларга мурувват, ғамхўрлик, ҳурмат, ватанга мухаббат, меҳнат ва касб - ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч - тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари, инсонининг ўзини иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд - насихатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади.

Ҳадисларда, умуман, Исломда тозалик ва покликка, рухий ва жисмоний покликка катта эътибор берилади. «)Ҳақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради. ўзи тоза, тозаликни яхши кўради. Эшикларни олдини покиза тутинглар» (190 — ҳадис, 133, 66 — б.). Шунинг учун ҳам номоздан кейин юз - кўлни ювиш, маҳс тортиш, оёкни ювиш, мустахаб, ўнг кўл билан таҳорат қилмаслик, бурунга сув тортмоқ, оғизни тоза тутиш, ғусл, таяммум қоидалари инсонни жисмонан пок бўлишга йўналтирганки, булар авлоддан — авлодларга ўтиб, ҳулқ - одоб қоидаларига айланиб қолган. Ҳадисларда инсон эркига ҳам аҳамият берилган.

Инсон ҳар томонлама етук бўлиши учун у эркин бўлиши кераклиги "Қуръони Карим"да ҳам, "Ҳадиси Шариф"да ҳам эътироф этилган: Аллоҳ Таолога амали солихларнинг яхши кўрингани агарки оз бўлса ҳам давомлисидир. Аллоҳ Таолога фарзлардан сўнг амали солихларнинг энг севимлиси мусулмон кишининг дилига ҳурсандчилик солишдир. «(33 - ҳадис)». Аллоҳ ўзи кечирувчи зот, кечиргувчини яхши кўради (191 - ҳадис)

каби хадислар бунинг далилидир. Чунки инсон қанчалик қадрланса, барча эзгуликлар, яхшиликлар инсонга аталса, унинг манфаати учун хизмат қилса, инсон ҳам шунга кўра камол топаверади, юксакликка кўтарилаверади, ўз навбатида бундай инсонлар яшайдиган жамият ҳам ривожланаверади.

Демак, хадислар Мухаммад пайғамбаримизнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъминнинг ишончини, эътиқодини мустахкамлайди, шу билан инсонни маънавий камолатга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камолатга етказишга оид эътиқод ва иймондан иборат бўлиб комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб муаммоларидан саналади.

Шарқ Уйғониш даври ва бу даврда педагогик фикр тараққиёти (Ал-Хоразмий, ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг таълим -тарбияга оид қарашлари)

Араб ҳалифалигида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ягона Ислом динининг таркиб топиши маданий ҳаётга ҳам таъсир этди. IX асрда Шарқ мамлакатларида бошланган ва маданий ҳаётда юз берган кўтаринкилик маънавий ҳаётда ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Ана шу кўтарилиш бутун Араб халифалигини, Яқин ва ўрта шарқни камраб олганлиги учун ҳам Шарқ Уйғониш даври деб аталди. Бу уйғониш жараёни IX асрлардан бошланиб XV-XVI асрларгача давом этди.

Марказлашган Араб халифалигида илм-фан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва қадимги маънавий ёдгорликлар Мовароуннахр ва Хуросонда IX асрларга келиб маънавий кўтарилиш, Шарқ Ренессанси - уйғониш даврининг бошланишига олиб келди- Бутун Шарқ билан бир қаторда, Мовароуннахр ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан дунёга машхур бўлган файласуф ва мунажжим, математика, физика, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар майдонга келди-Қомусий олимлар ўз илмий меросида таълимий-ахлоқий асарлар яратишга ҳам катта эътибор бериб, бу асарларда илгари сурилган ғоялар инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, эстетик ва жисмоний жихатдан камол топишида, педагогик фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек Шарқ Уйғониш даврида соф педагогик асарлар яратиб, таълим-тарбияда инсон такомилининг хусусий ва умумий методлар ҳақида ўлмас таълимоти билан ном қолдирган, тарбияшунос олимлар ҳам майдонга чиқди.

Демак, Уйғониш даври инсон камолати муаммолари икки йўналишда:

1. Қомусий олимлар юкодий меросида комил инсонни тарбиялаш муаммоси.

2. Соф таълимий-ахлоқий асарларда комил инсонни тарбиялаш муаммолари ёритилганини кўрамиз.

Қуйида биз қомусий олимларнинг таълим тарбия тўғрисидаги фикрлари, маънавий, ахлоқий қарашлари ҳақида тўхталамиз.

Ал-Хоразмий (783-850) Жаҳон математика фанининг буюк намояндаси Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий тахминан 783 й. Хоразмда туғилади.

У бошланғич маълумотни ўз уйида отасидан олган. Чунки унинг отаси ўқимишли бўлган. Қадимий диний урф - одатларни, ерли халқ ёзувларини билган. Диний ва илмий адабиётлардан хабардор бўлган. Шунинг учун Ал-Хоразмий болалигидаёқ бу илмий манбалардан ўрганиш имконига эга бўлган. Хоразмий математика билан жуда берилиб шуғулланган. Шу соҳага оид барча асарларни қунт билан ўрганган. У араб, форс, юнон тилларини ҳам ўрганиб, бу тилда яратилган асарларни ҳам ўқий олиш қобилиятига эга бўлган. У «Ал жабр ва ал-муқобала» асари билан математика фанини ривожлантирди ҳамда амалда қўллаш усулларини баён этди. «Ал-жабр» кейинчалик математиканинг алоҳида бўлимига айланди ва «алгебра» деб аталадиган бўлди.

Хоразмийнинг математикага оид иккинчи китоби «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб» бўлиб, улар ўнлик системаси рақамларига бағишланган.

Хоразмий хиндларнинг фалакиёт жадвалларини таҳлил этиб, «Хоразмий зиж» номи билан машҳур астрономик жадваллар тузди. Шунингдек олим «Ер сатҳини ўлчаш», «Қуёш соати тўғрисида», «Яхудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш» каби асарлари билан фан соҳасига жуда катта ҳисса қўшди.

Булар маърифий-тарбияшунослик жихатидан ҳам ҳозирги кунда аҳамиятга моликдир.

Ал-Хоразмий билиш назариясига мухим хисса қўшди. У биринчилардан бўлиб, синов-кузатиш ва синов методларига асос солди.

У биринчи марта инсонлар ўртасидаги муносабатларни математик шаклларда ифодалади.

Хулоса қилиб айтганда, ал-Хоразмий европа ва шарқда фалакиёт ва математика соҳасида янги давр очди. Ҳиндларнинг ўнлик рақамлари Хоразмий туфайли «Араб рақамлари» номи билан бутун дунёга ёйилди.

Хоразмийнинг фалакиёт ва геодезияга оид кузатишлари, географияга оид асарлари, у чизган ер харитаси ҳам шарқ ва ғарб олимлари учун текшириш, кузатиш ишларини олиб боришда мухим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Хуллас, ал-Хоразмий илмий билим, таълим методлари, илм-фанга қўшган хиссаси билан инсонни аклий камолга етказишда, таълим-тарбияда ўз ўрнига эга бўлган буюк алломадир.

Абу НасрФоробий (873-950).

Форобий 873 йилда Сирдарёнинг фороб деган жойида туғилади. У бошланғич маълумотни уз юртида олади.

5 ёшдан у ёзиш ва ўқишни билар эди. У ёшлигиданоқ ўрта аср фанларини чуқур ўрганади. У илмий малакасини такомиллаштириш мақсадида 10 ёшидан Шош, Самарқанд ва Бухорога келиб таълим олади.

Лекин бу жойлар унинг илмга бўлган чанкоклигини қониқтирмайди. У Эроннинг Рай, Ҳамадон шаҳарларида бўлади.

У умрининг 40 йилдан ортиғини Бағдодда ўтказади. У бир вақтнинг ўзида араб, форс, юнон тилларини ўрганади.

Форобий аниқ фанлар: илми нужум, риёзиёт, мусиқа, табобат фанларига қизиқади. Лекин у кўпроқ фалсафа илми билан шуғулланади.

Тарихий манбаларга кўра у Бухорода бўлган кезларида Бухоро амири Мансур ибн Нух Сомонийнинг илтимосига кўра фалсафий асар «Ат-

тахлимий» асарини ёзади. Шу асари туфайли «Муаллим ас-соний» (иккинчи муаллим) лақаби билан машҳур бўлади. Олим 70 дан ортиқ тилда сўзлаша олган. У 160 дан ортиқ асарлар ёзган. Бизгача 40 га яқини етиб келган холос.

Фаробий асарларининг мазмунига қараб 7 та катта гуруҳга бўлиб чиқишимиз мумкин. Ана шу туркумлаш жараёнидаги энг муҳим бўлими тарбия масаласига бағишланган еттинчи қисмдир. У таълим - тарбияга оид, «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», «Фозил одамлар шаҳри», «Фазилатли хулқлар», «Шаҳарни ўрганиш ҳақида» каби асарлар яратган.

Олимнинг юқорида биз тилга олган асарлари бутун жаҳон зиёлилари томонидан ҳақли равишда юксак баҳолангандир.

Фаробийнинг асарлари араб тилидан дунёнинг кўп тилларига-рус, инглиз, испан, француз, ўзбек тилларига таржима қилинган.

Фаробий ниҳоятда буюк олим ва мутафаккир эди. Чунончи, унинг асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўз илмий қарашлари билан янги даврга дарча оча билган ва замондошларидан бир неча аср олға кетган.

Фаробийнинг қуйидаги педагогик қарашлари ёшларга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Фаробий биринчи бўлиб таълим ва тарбияга таъриф берган олимдир.

1. Таълим - сўз ва ўрганиш билангина амалга оширилади.
2. Тарбия - эса амалиёт, иш-тажриба билан, яъни шу йўл орқали амалга оширилади, дейди.

3. Ҳар кимки илм, ҳикматаи деса, уни ёшлигидан бошласин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, хиёнат, макр ва хийлалардан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин.

4. Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда яхши тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмай ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

5.Маълумки, инсон ҳеч қачон туғилганда яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди... Бироқ ҳар бир кишида бирон бир фазилатга ёки қабихликка майл, қобилият бўлади ва шу фазилатларни 2 турга бўлади.

1.Фикрий фазилат

2.Хулқий

Фикрий фазилат ақлий қувватга кириб, ақллилик, донолик фаҳм-фаросатлилик зехнлиликдан иборат.

Хулқий фазилат - интилувчи қувватга кириб ифбат, инжоат, саҳийлик ва адолатлиликни ўз ичига олади. Ёмон фазилатлар разилликдир.

Хулоса қилиб айтганда, Форобийнинг юқоридаги таълим-тарбияга оид концепцияси шахсни комил инсон қилиб тарбиялашда музсим рол ўинайди.

Абу Райҳон Беруний (973-1048)

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний 9734 сентябрда Хоразмда дунёга келади.

Беруний ёшлигидан илмга айниқса аниқ фанларга қизиқади. У математика, жўғрофия, юлдузлар илми, тиббиёт фанларига оид кўп китобларни ўқиб чиқади. Форс ва араб тилларини ва қадимги аждодлар тилларини қунт билан ўрганади.

Беруний бир неча йил коинот, металлар ва қимматбаҳо тошлар устида кузатишлар ва тажрибалар олиб боради ва кейинчалик ана шу тадқиқотлари асосида «Минерология» асарини яратади. Унинг «Геодезия» асарида география ва астрономия фанлари билан бир қаторда полеонтологик кузатишлари натижалари ҳам баён қилинган.

Берунийнинг яна бир муҳим асари «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар"дир. Бу асарда ҳам у бир қанча фанлар юзасидан дастлабки тушунча ва маълумотлар берган. Олим 1030 йилда ўзининг Шарқ ва Ғарбда кенг эътироф қилинган машҳур «Хиндистон» асарини яратади. Асарда Берунийнинг Хиндистон ҳақидаги барча қарашлари ўз ифодасини топган.

Ҳаммаси бўлиб 150 дан ортиқ асарлар яратган. Олим ўз асарларини ўша давр анъанасига кўра араб тилида ёзган. Беруний юқоридаги асарларида инсон камолоти ҳақида ўз қарашларини баён этади.

Беруний мамлакат ободончилиги илм-фаннинг равнақиға боғлиқ бўлса, ёшларнинг бахт-саодати ва камолотини унинг билими, ахлоқи ва маърифатида деб билади.

Шунинг учун у ёшларни илм-маърифатга чорлайди. Беруний ёшлардан раҳмдил, меҳрибон, кишиларға илтифотли, хайрихоҳ, бўлишни, нажотсиз одамға қўл чўзишни, маккорлик, айёрлик, адолатсизлик, бойликка хирс қўйиш, ёлғон гапириш каби сифатларға йўл қўймасликни талаб қилади.

Беруний инсонни табиатнинг энг олий камолоти деб қарайди. У инсоннинг маънавий қиёфасидаги барча ахлоқий хислатларни яхшилик ва ёмонлик каби 2 турға бўлади.

Беруний инсон ва ахлоқий тарбия ҳақида фикр юритар экан, «инсонға ер юзини обод этиши ва уни бошқариб туриши учун ақл-заковат ато этилган, шунинг учун хар бир инсон юксак ахлоқли бўлиши лозим», - дейди.

Ақлий тарбия, дейди Беруний, кишининг тафаккурини ривожлантириб, дунёқарашини кенгайтиради. Унинг

ўз-ўзини англаб этишиға таъсир этади.

Мутафаккир инсон камолотида меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. У хар бир хунар эгасининг меҳнатиға қараб турларға бўлади.

Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, хунарманд, фан сохиблари меҳнاتини келтиради. Айниқса, илм аҳли, олимлар меҳнатиға алоҳида эътибор беради ва хайрихоҳ бўлишға чақиради. Шу билан бирға оғир меҳнат қилувчи кончилар, ер остида ишловчилар, дехқонлар ҳақида гапириб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириб туриш керак дейди.

Олим болаларни меҳнатға ўргатиш методлари, йўллари ҳақида ҳам фикр юритади. У болаларни энг кичик илк ёшидан меҳнатға ўргатиш керак дейди.

Беруний «Минерология» асарида фақат қимматбаҳо металллар, тошлар ҳақида эмас, хунармандчиликка оид, шогирд тайёрлаш жараёни, усталарнинг хунар ўргатиш методлари ҳақида қимматли фикрлар билдиради.

«Сайдана» номли машҳур асарида эса шарқдаги доривор ўсимликларнинг тавсифи баён қилинган. Беруний инсон камолотида 3 нарса муҳим роль ўйнайди дейди.

1.Ирсият.

2.Муҳит.

3.Тарбия.

Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. ўқувчига билим беришда у:

-ўқувчини зериктирмаслик;

билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;

-узвийлик, изчиллик;

-янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш ва хоказога эътибор бериш кераклигини уқтиради.

Олим фан соҳасидаги ёдгорликларни, илмий билимларга оид қолдирилган барча бойликларни қунт билан ўрганишга даъват этади. Илм толибларига қалбни ёмон илатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шухратдан сақланиши зарурлигини уқтиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Берунийнинг комил инсонни шакллантиришга оид бу фикрлари ўз замонаси учун эмас, ҳозирги давр таълим-тарбиясини такомиллаштиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) 980 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида кичик амалдор оиласида дунёга келади. Унинг отаси Абдуллох ва унинг дўстлари билимдон кишилар бўлиб, уларнинг илмий мунозараларида ёш Ибн Сино ҳам қатнашар эди. Бундай оилавий муҳит,

Бухоро шаҳридаги кўплаб мадрасалар, касалхона ва нодир китоблар сақланадиган кутубхоналарнинг мавжудлиги ҳам ёш ва иқтидорли Ибн Синога ўз таъсирини кўрсатади.

У мактабда ўқиб кўпгина устозлардан таълим олади. Масалан: Абдуллох Нотилийдан фалсафа, мантиқ, хандаса буиича, Бухоролик Абу Мансур Қамарийдан тил бўиича таълим олади.

IX аср охири ва X аср бошларига келиб ўлкада сиёсий ижтимоий вазият мураккаблашади. Шунинг учун Ибн Сино Хоразмга-Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Беруний бошқараётган «Маъмун академиясида» илмий иш билан шуғулланади. Натижада ўзининг йирик асари «Тиб конунлари», «Аш-Шифо» устида иш олиб боради.

Ибн Сино фаннинг турли соҳасига оид 450 дан ортик асар яратади. Лекин бизгача 250 га яқини етиб келган бўлиб, улардан 50 дан ортик қўл ёзмалари Ўзбекистон фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг китоб фондида сақланиб келмоқда.

У таълим-тарбияга таъллукли бўлган қуйидаги асарларни яратган. Масалан: «Тадбир ал-Манозил» (турар жойни бошқариш), «Ахлоқ ҳақида рисола», «Бурч ҳақида рисола», «Нафсни покиза тутиш», «Баданни бошқариш», «Адолат ҳақида китоб», «Ал-конун», «Ишқ ҳақида рисола», «Хай ибн-Якзон», «Номознинг моҳияти ҳақида рисола», «Зиёрат килишнинг маъноси ҳақида», «Ан-Нажот», «Аш-Шифо», «Донишнома» каби асарлари билан илм-фанга ҳисса кўшган буюк алломадир.

Шунинг учун ҳам Шарқда унга, "Шайх ур-Раис" - яъни олимларнинг олими деган юксак унвон берилган.

У ўзининг «Ахлоққа оид рисола»сида инсоннинг умумий фазилати ҳақида гапириб, кишиларда юз берадиган яхши ва ёмон хулқларнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисида тўхталади. Унинг фикрича яхши ва ёмон хулқларнинг ҳаммаси одатдан пайдо бўлади, одамларнинг яхши ёки ёмон бўлишида ҳукумат аҳлларининг таъсири ҳам зўр бўлади, дейди.

Ибн Сино ахлоқий ҳислатлардан: иффат, каноат, сахийлик, шижоат, сабр, мулойимлик, сирни саклай билишлик, илм- маърифатли бўлиш, камтарлик, адолатлилик, дўстлик, вафодорлик каби ахлоқий категорияларга таъриф беради. У инсоний фазилатларга:

Жасурлик - бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги; Чидамлилик - инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват;

Ақллилик - бирор ишни бажаришда шошма-шошарлик килишдан сакловчи қувват;

Зийраклик - сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушинишга ёрдам берувчи қувват.

Ибн Синонинг фикрича инсонлар хулғқ-атворида бирмунча нуқсонлар бор. Булар: алдаш, рашк, ўч олиш, адоват, бўхтон, иродасизлик кабилардир.

У фанлар тавсифи хақида ҳам фикр билдирган Олим биринчи ўринга тиббиёт фанларини кўяди. фалсафани эса икки гуруҳга-назарий ва амалий гуруҳга бўлади. У биринчи гуруҳга этика, иг[^]тисод, сиёсатни киритади.

Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритган. Олим физика, адабиёт, тарих фанлари билан шуғулланган.

Ибн Сино билим олишда болаларни жамоа бўлиб мактабда ўқитиш зарурлигини кўрсатади ва таълимда куйидагиларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди.

- болага билим беришда бирданига китобга банд килиб кўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш оркали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан кўшиб олиб бориш.

Бу талаблар хозирги давр таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан кимматли бўлиб, болаларни енгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустахкам билим олишига ёрдам беради.

У бола тарбияси ҳақида фикр билдирар экан, бола тарбиясини унга исм қўйишдан бошлашни лозим деб топади. Болага муносиб исм танлаш ота-онанинг дастлабки олижаноб вазифаси деб билади. Агар қадимги юнон файласуфлари Платон ва Аристотеллар бола тарбиясини давлат ихтиёрига қўйсалар, Ибн Сино бола тарбияси билан аввало ота-она шуғулланиши керак дейди.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Сино буюк олим, файласуф, адиб, табиб бўлиши билан бирга буюк мураббий эди. У таълим-тарбия ҳақида жуда кўп бош қотиради.

Олимнинг педагогика фанига қўшган хиссаси шундаки, у таълимий тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши, камолга етишининг мезонини ишлаб чиқади.

Тарбия тизимига жисмоний тарбиянинг киритилиши эса олимнинг тарбия соҳасидаги катта хизматларидан хисобланади.

Яна унинг хизматларидан бири шундаки, у инсоннинг меҳнати, қобилияти, ақл-заковатини улуғлади, ундаги қудратга ишонди. Инсон тафаккурининг тантана қилиши кераклигини тарғиб қилди.

Шарқ педагогик таълимотида таълимий -ахлоқий қарашлар

(Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва Ахмад Югнакийларнинг таълимий ахлоқий қарашлари)

Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, рухий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Инсонийлик, инсонни улуғлаш ғояси таълим-тарбияга оид яратилган асарларнинг асосий ўзаги саналган. Бу ғояни, яъни инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва ҳислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий ҳислатлар ифодалангани учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этди. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг ҳам, буюк мутафаккирларнинг ҳам, тарихчи-ю шоир ҳамда адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Таълимий-ахлоқий рисоалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Қутадғу билиг», «Ахлоқи Носирий»,

«Қобуснома», «Ҳиббат ул-хақойиқ», «Гулистон», «Бўстон», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Мухсиний», «Махбуб ул-қулуб» каби Юсуф Хос Ҳожиб, Насириддин Тусий, Кайковус, Ахмад Югнакий, Муслихиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий асарлари юқорида таъкидлаганимиз инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этиш соҳасида яратилган соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етишида

юксак ахлоқга эга бўлиши илм-фанни эгаллаши асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилди.

Юсуф Хос Ҳожиб Х асрнинг ўрталарида ташкил топган Қорахонийлар хукмронлиги даврида яшаб ижод этди. Қорахонийлар Сирдарёдан Еттисувгача, Шимолий Фарғона ва бутун Шарқни Туркистонда хукмронлигини ўрнатгандан сўнг Мовароуннахрнинг ичкрасига ҳам кириб бориб, Қошғардан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонда ўз давлатини таркиб топтирган эди. Унинг маркази Қошғар (Урдукент) бўлиб, шимолда Боласоғун (Кўзурду), ғарбда Самарканд, марказда ўзганд шаҳарлари ҳам йирик марказий шаҳарлардан ҳисобланади.

Ҳар бир давлатда бўлганидек, Қорахонийлар давлатининг ҳам идора қилиш усули, юргизадиган сиёсати, қонунлари тарбия тамойиллари ифодаланган қомус - низомнома зарур эди.

Худди ана шундай зарурият туфайли «Қутадғу билиг» (1069-1070) асари яратилди. Бу асарда Қорахонийлар давлатини мустахкамлаш учун идора усулларини яратиш, барча табақа ва тоифадаги кишиларнинг хулқ-атвори, жамиятдаги тутган ўрни, давлатни иқтисодий, ижтимоий, маданий жихатдан мустахкамлаш, давлатнинг мустахкамлигининг биринчи таянчи - инсонни маънавий камолга етказиш масалалари қамраб олинади.

Юсуф Хос Ҳожиб бу мураккаб вазифани хал этишда фақат донишманд, қомусий мутафаккир сифатидагина эмас, балки тарбияшунос олим сифатида ҳам ўзини намоён этди.

Шунга кўра, у яратган «Қутадғу билиг» асари таълим-тарбия тарихи, унинг назарий масалалари, комил инсонни- шакллантиришда айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

«Қутадғу билиг» асарида ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтиши муносабати билан таълим ва тарбиянинг ҳам ҳокимиятни мустахкамлаш ва тараққий эттириш учун хизмат этадиган ўзига хос талаб ва тамойилларини белгилаш зарур эди. Шунинг учун ҳам мазкур асар дидактик, яъни таълимий-ахлоқий усулда езилди.

Қутадғу билиг- бахт-саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак асар номидан ҳам унинг панд-насихат, таълим-тарбияга оид етук дидактик асар, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялайдиган дарслик эканлиги яққол кўриниб турибди. «Қутадғу билиг» асари Шарқда панднома туркумидаги анъанавий китоб тузиш тартибига риоя қилинган ҳолда тузилган.

Аввал насрий мукддима, сўнг 73 бобдан иборат китобнинг мундарижаси берилади. Дастлабки ўн бир фасли дебоча бўлиб, ҳамда, наът ва Қорахонни мадх этиш, таълим мақсади, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тилнинг аҳамияти, муаллифнинг узри, эзгулик ҳақида, билим олишнинг аҳамияти, китобга ном берилиши, кексалиқдан афсусланиш каби фасллардан иборатдир. ўн иккинчи фаслдан бошлаб асосий воқеа баёни эътироф этилади. Лекин асарда тўрт қахрамон — Кунтуғди - адолат рамзи, вазир — Ойтўлди – давлат ва бахт рамзи, вазирнинг ўғли ўғдулмиш – ақл рамзи, сифатида, ўзгурмиш - вазирнинг қариндоши - қаноат тимсоли ўртасидаги мунозара асосида ҳаётини масалалар бир-бирига боғланган ҳолда баён этилиб, китобни ёзишдан ўз олдига қўйган мақсадга бўйсундирилади.

Минг йилга яқин даврдан бери халқни, айниқса, ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайерлашда қўлланма бўлиб келаётган «Қобуснома» асари эса ҳозирги ўзгаришлар даврида инсонни маънавий камолатга етказишда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур асар жуда кўп шарқ ва ғарб тилларига таржима этилган. Унинг муаллифи Унсурул Маолий Кайковус гилон қабиласидан бўлиб, Табристонда (Ҳозирда Каспий денгизининг жанубидаги ҳудуд) яшаган. Аммо биз Кайковус ва унинг авлодлари ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз.

Кайковуснинг ўзи таъкидлаганидек, бутун бир асар охириги бобда таъриф берилган жавонмардлар тарбиясига бағишланган. Кайковус «... барча фикр ва тушунчаларим сенинг учун китобга ёздим ва ҳар бир илм, ҳар ҳунар ва ҳар пешақим билур эдим, ҳаммасини қирқ тўрт бобда баён этдим», дейиш билан ҳар бир ёшнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбиясига оид турмуш

тажрибаси билан боғланган ҳолда камолга етказиш йўллари ва усулларини баён этган. Китобда жавонмардлар эгаллаши зарур бўлган қуйидаги йўналишларда таълим-тарбия бериш назарияси кўзда тутилган:

1. Билим хақида.
2. Ҳунар ва турли касб эгалари ҳақида.
3. Турмуш ва хулқ-одоб қоидалари хақида.
4. Жисмоний етуклик хақида.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида яратилган таълимий ахлоқий асарлардан яна бири Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳиббат ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси») асаридир.

Мазкур асар мазмунини ҳам ўз даврининг ижтимоий, сиёсий, диний, ахлоқий, иқтисодий масалалар ва уларни маълум талаблар асосида тартибга солиш ташкил этади.

«Ҳиббат ул-хақойиқ» Тўғрул Қилич Сипоҳсолорбекнинг номига атаб ёзилганлиги манбаларда келтирилади. Унинг ёзилган вақти тахминан XII аср бошларига тўғри келиши таъкидланади.

«Қутадлғу билиг» каби Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳиббат ул-хақойиқ» асари ҳам қорахонийлар ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг маънавий ҳаёт даражасини кўтаришга хизмат қилиш мақсадида ёзилган. Унинг мазмуни ҳам дидактик характерга эга. «Ҳиббат ул-хақойиқ» асари мундарижасининг ўзиёқ буни кўрсатиб туради.

Асар ўн тўрт бобдан иборат. Достоннинг дастлабки тўрт боби анъанага кўра муқаддима бўлиб, бешинчи бобдан асосий қисм бошланган. Бу бобларда, асосан, билимнинг ахамияти, жаҳолатнинг зарари, тил одоби, дунёнинг фонийлиги, саховат ва бахиллик, камтарлик ҳамда ахлоқлиликнинг энг муҳим хусусиятлари тараннум этилади.

Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳиббат ул-хақойиқ» асарида ҳам марказий ўринда инсон, унинг ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масаласи туради.

Асарда бошқа таълимий-ахлоқнинг асарлар каби инсонни баркамол этишнинг асосий белгиси бу унинг хушхулқлигидир, дейилади. Шунинг учун

адиб асарда ахлокий таркибий кисми саналган тилни тийиш, мол дунёга мухаббат қўишнинг оқибатлари, саховат ва бахиллик, камтарлик, жиноят йўлидан сакланиш хақида, харом ва халолликнинг фарзлари, уларни бир-биридан фарклай олиш, эътиқод ва садоқат каби мухям масалалар устида фикр юритади.

XIV-XVI асрларда Мовароуннахрда тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти

Тарихдан бизга маълумки, Мовароуннахрда қарийиб бир ярим аср давомида Мовароуннахр мўғул истилочилари томонидан вайрон этилди. Фан- маданият, маърифатга жуда катта путур етказилди. Хонавайрон бўлган Мовароуннахр халқи XIV асрнинг бошларига келиб Мўғул истилочилари зулмидан кутила бошлади. Мовароуннахрда кучли давлат тузишга бўлган интилиш ғолиб келди. Мўғул истилочиларига қарши Бухорода халқ Махмуд Торобий бошчилигида қўзғалди, Самарқанд ва Хуросонда эса Сарбадорлар қўзғалонлари рўй берди. Натижада Сарбадорлар узок муддат хатто хокимиятни ҳам бошқариб турдилар.

Марказлаиан буюк Темур давлатининг барпо этилиши билан Моварауннахрда яна фан ва маданият, маориф кайтадан раванк топа бошлади. Шунинг учун ҳам тарихда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср ўрта Осиёда Шарк ўйғониш даврининг иккинчи босқичи дейилиши бежиз эмас... чунки, бу даврга келиб, Марказий Осиёда иктисодиёт, фан ва маданият гуркираб ривожланди.

Амир Темур хукмронлиги даврида жахоннинг кўплаб шаҳарларидан Самарқандга хунармандлар, санъаткорлар, мухандислар, олиму-фозиллар олиб келинди ва уларнинг тажрибаларидан илм-маърифат, маданият ва қурилиш жабхаларида кенг фойдаланилди. Самарқанд ва Хиротда мадрасалар, расадхоналар, боғу-роғлар, маданият ўчоғлари барпо этилди. Шу даврга келиб тиббиёт илмини ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқий, тарғибот, тарбияшуносликка оид бир қатор ажойиб ва муҳим асарлар яратилди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар ^айём, Саъдий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Ат-Термизий меросларини, шунингдек, юнон-рим маданиятини ўрганишга ҳаракат кучайди. Мамлакатда давлатни бошқаришни

мукаммаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш ишларига, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларини кенгайтиришга катта эътибор берилди.

Замондош тарихчиларнинг эътирофи этишича, соҳибқирон Темурнинг энг характерли хусусиятлари - давлат, мамлакат ва фуқаронинг ғамхўри бўлганлиги эди. Жаҳонгирлик қондаси эса ҳақиқат - сихат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат - адолат деб тушунилган.

Буюк бобоқалонимиз ҳар вақт: «Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуглайди», деган ҳикматли сўзни такрорлашни ҳуш кўрган ва ҳаётда ўзлари бунга амал қилганлар. Даставвал шуни айтиш керакки, Амир Темур, одоб - ахлоқ, иймон-эътиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукаммалликка

эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш kifоя.

Тарих фанлари доктори проф. Ашраф Аҳмад Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи амал қилган сифатларни юксак баҳолайди. Булар қуйидагилар:

-... Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим... Бойни камбағалдан устун қўймадим;

-... Исломга катъий риоя қилдим. ...

-Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим;

-Халойикка раҳм қилдим, барчага нафъ етқурдим.

-... Бировга ноҳақ озор етказмадим ва мenden ёрдам сўраб келганларни кўкрашдан итармадим...; -Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим...;

-Барча сўзларимдан доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим...

-Мен ҳар кимга ваъда берсам, унга вафо қилдим...;

-Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигор изнисиз уни сарф этмадим...;

-Мен ҳар доим инсоф байрошни баланд кўтардим ва иймон таркатишни ўз буюклигимнинг кудратли замини деб билдим...;

-Мен доим саидларга эҳтиром билан карадим, уламо ва шайхларни эъзозладим...

Шундай қилиб соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантикнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири умуминсоний кадриятлар асосига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз ҳазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Улуғбек ташаббуси билан ўлкада илм-фан, адабиёт, санъат ахллари фанларнинг янги-янги кирраларини оча бошладилар. Улуғбек ўз фаолиятида асосан фалакиётни ривожлантиришга катта аҳамият беради, бу билан бирга, кўплаб истеъдодли шоирлар, ижодкорларни тўплаб, улар фаолият кўрсатишлари учун шароит яратади. Маънавий ва моддий жихатдан рағбатлантириб туради. Масалан унинг раҳномалигида меъморчилик равнақ топди. Бухоро, Самарқанд ва Гижкдувонда мадрасалар, Марвда хайрия муассасалари ҳамда «Чихл устун» ("Қирк устун"), «Боғи майдон» каби боғлар барпо этилади. Улуғбек 1424 йилда Самарқандда Обирахмат суви ёнида Ғиёсиддин Жамшид, Абдували Биржоний, Мансур Коший, Мирим Чалабий ва бошқа олимлар билан биргаликда курган расадхонасида сайёралар сирини ўрганади. Унинг бошчилигида юздан ортиқ олимлар илмий-тадқиқотлар олиб боради, фалакиёт ва математика соҳасида катта кашфиётлар қилиб жаҳонга машхур бўлдилар. Бу тадқиқотлар жаҳонга донғи кетган Самарқанд расадхонасида амалга оширилади. Натижада, Улуғбек 1018 юздузнинг ҳолати ва ҳаракатини аниқлайди, фалакиётга доир бир неча асарлар ёзади. Бу асарларнинг асосий мазмунини «Зижи Кўрагоний» деб аталмиш фалакиёт жадвали ташкил этади. Жадвал жаҳон фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

Марказий Осиёда фан ва маданиятнинг ривожланишига салмоқли хисса қўшган, ўзининг ғоят самарали фаолияти билан тарихда ўчмас из қолдирган, темурийлар авлодининг сўнгги вакилларида бири Умар Шайх Мирзо Ўғли Захириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур Мирзо Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх, яъни Соҳибкирон Амир Темурнинг чевараси оиласида 1483 йилда таваллуд топди. Бобур сарой муҳитида тарбияланди ва ўқиди, ёшлигидан илмга, шеърятга берилди. Довюрраклиги, жасурлиги ва эпчиллиги туфайли уни «Бобур яъни «Йўлбарс» деб атадилар.

Захириддин Муҳаммад Бобур илм ва фаннинг, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан кизиққан. Гайрат ва ташаббус, синчковлик ва истеъдод Бобурни ривожланган феодал даврнинг улуг сиймоларидан бирига айлантирди. ўткир зехли Бобур Мирзо 9 ёшида саводини чиқаради, қуръонни ёд олди, шеърлар ёзиб уни шархлай билди. 10-12 ёшларида харбий санъат сирларини, давлатни бошқариш усулини, жисмоний тарбия машқларини мукаммал даражада эгаллади.

Бобур ҳаётининг эсадаликлар ёзиш мактабини «Бобурнома» асари орқали бошлаб берди. Гулбаданбегим отаси Бобур вафотидан сўнг бу мактабни давом эттириб, «Хумоюннома» асарини ёзди. Бу мактаб XX аср адабиётида ҳам давом этди. «Эсадаликлар» (С.Айний), «Болалик» (Ойбек) в.б. асарлар. «Бобурнома» нисбатан тор маънода бўлсада, ёзувчи яшаган даврни, муҳитни бир мунча акс эттирди.

Бобурнинг таълим назариясидаги яна бир муҳим хусусияти, ўзи билган билимларни келажак авлодга илинишидир. Авлодим билсин деб элига ўргатгиси келади. Бу ҳол уни башариятга буюк маънавий бойликлар қолдиришига муваффақ қилди. Ундан мерос бўлиб қолган лирик шеърининг асарлар; «Бобурнома», «Мухтасар», «Мубаййин», «Волидия» ва бошқа асарлари жаҳон фанида, айниқса халқ тарбия қонунларида алоҳида ўрин тутади. «Бобурнома»да эса шу даражада кўп ва турли-туман маълумотлар борки, улардан ҳозирги даврдаги мавжуд фанларнинг деярли барча

соҳаларига тегишли маълумотларни олиш мумкин. Шу жihatдан қараганда, «Бобурнома» болалар ва ёшлар китобхонлигида катта ахамиятга моликдир.

Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий- ахлоқий қарашлари

Қомусий билимлар соҳибиде, буюк мутафаккир Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил билимларини ривожлантириш билан бирга, таълим-тарбияни такомиллаштиришга ҳам эътибор берди. У ўз «Хамса»сида, «Махбуб ул-қулуб» каби йирик таълимий-ахлоқий асарларида, шунингдек, «Муножат», «Вақфия», «Мажолисун нафоис», «Муҳокамат ул - луғатайн» каби асарларида Абдурахмон Жомийнинг Арбаъин номли асари таржимаси «Чихил хадис («Қирқ хадис»)да тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади. Алишер Навоий ўзининг баъдий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этди.

Навоий тасаввуридаги комил инсонга хос бўлган энг юксак фазилатларга ижодкорлик, қобилият, илм-фанга муҳаббат ҳам қиради. Чунки бахтли ҳаётга интиланган Навоийнинг ижодкор, оқил, қобилиятли, доно инсон ўзининг куч-қувватига, ақлу заковатига ишонади.

Алишер Навоий илмни қуёш ва ой ҳамда кундузга ўхшатиб, у инсонни бахт-саодатига элтади демоқчи бўлади: яъни бу мақолат «илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалилиги ҳақидаким, билимсизлик тунни ёритиш учун «айн» қуёш, «лом» ой, «мим» кундуз белгиларини кўрсатади; билимсизлик шомининг қоронғу кўриниши ҳақидаким, ғафлат чақини пастлик кечасида зохир қилиб, бу кечада бахтсизликдан хикоя айтади; олимнинг бутун бахтсиз вужудининг қуёшдек юксаклиги жохилнинг эса

бутун борлиғи бойлик, мол бўлса ҳам тупрокдек хорлиғи» хақида фикр баён этади.

Демак, Алишер Навоий илмни инсон камолати учун энг зарур фазилатлардан бири деб билади. У илмни инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқарувчи омил сифатида таърифлайди. Алишер Навоий орзу қилган комил инсон ҳам фақат илмли бўлиши билан қаноатланиб қолмайди. Уни хақиқий инсон сифатида таърифлашга яна сабр-қаноат, сахийлик, химмат, тўғрилиқ, ростгўйлик, тавозеъ, адаб, ишқ-вафо ва хақозолар ҳам асос бўлади. Навоий инсоннинг ахлоқий хислатлари-яхши феъл-атворлар хусусида тўхталиб ўтар экан, аввало хар бир инсоний фазилатнинг таърифини беради.

У яхши феълларга қаноат, сабр, тавозеъ ва адаб, ишқ ва вафо, саховат, химмат, қарам, мурувват, юмшоқ кўнгиллик (хилм) каби хислатларни киритиб, хар бирининг таърифидан сўнг танбех ва хикоятлар воситасида ўз фикрини тўлдиради. Навоий асарда мазкур хислатларга таъриф бериш билан бирга, уларга қарама-қарши бўлган ёмон иллатлардан кутулиш йўлларини баён этади.

Абдурахмон Жомий XV асрда яшаган бош а мутафаккирлар каби инсонни, унинг юксак ахлоқий хислатларини, гўзал фазилатларини баён этган алломалардан саналади.

Абдурахмон Жомий ҳам ўз асарларида инсоний юксакликни таъриф этади. Тадқиқотчи Ш.Шомухамедов А.Жомий хақида фикрлар экан, «Унинг шахсан ўзи бунга намуна бўлди, поклик шамларидан бири бўлиб порлади», - дейди.

Жомий учта лиртик девон, етти дostonдон иборат «ҳафт ранг» («Етти тахт»), таълим-тарбияга оид «Баҳористон» асарлари билан жаҳон маданияти тараккиётида муносиб ўринга эга бўлди.

Абдурахмон Жомийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Саъдийнинг Гулистон асари услубида ёзилган «Баҳористон» асари ва «Хафт авранга қирган «Тухфатул ахрор» ҳамда «Силсилатуз заҳаб»

(Олтин тизмалар») ва бошка дostonларида ифодаланган. Бу дostonларда ва «Баҳористон»да Жомий ҳақиқий камолатга эришган инсон ҳақидаги қарашларини баён этади.

Жомий ўзининг машҳур «Силсилатуз заҳаб» («Олтин тизмалар») дostonида эса «Севимли азиз фарзандга насиҳат» бобида, аввало ҳар бир ёш билим олиши зарурлиги, чунки инсон умри

жуда қисқа бўлиб, бу улфни беҳуда ўтказмаслиги, аммо билим олгандан сўнг унга алмал қилиш лозимлигини таъкидлайди ва амалиётсиз илм ҳам беҳуда эканлигини алоҳида уқтиради.

Аллома илмнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, бу билимни эгаллашда китобнинг ҳар бир ёшнинг билим олишидзги ўрнига, унинг ҳислатларига алоҳида тўхтаб ўтади ва китобни «тери ёпинган олим» ўхшатади.

Хусайн Воиз Кошифий ҳам ўз даврининг йирик олими саналади.

Хусайн Воиз Кошифийнинг (тахм.1440-1505 йй.) Ҳиротда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар билан ҳамкорлиги илм-фан тараққиётида катта аҳамият касб этган.Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ, нужум, мантиқ, адабиётшунослик, риёзиёт, ҳисоб, ислом тарихи, илоҳиёт, тарих, мусиқашунослик, тасвирий санъат, табобат илмига оид 200 дан ортиқ асар қолдириб, шарқ маънавий маданиятини ривожлантиришда ўз ўрнига эга.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Хусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқий Мухсиний" асари инглиз, немис, ўзбек, турк тилларига таржима қилинган. Мазкур асар Хусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишланган бўлиб, инсон камолоти учун энг зарур ҳислатлар таърифланади.

Асарда инсон ақлига, ақлий тарбияга катта эътибор берилади. Ақлни ҳақиқат сифатида таърифлаб, инсон ўзининг фаолиятини ақл ёрдамида амалга оширади, дейди.

У илм бойлик ва дунё орттириш учун эмас, балки ҳаёт кечириш учун зарурдир, чунки илм — доимий, мол-дунё ўткинчи деб тушунтиради. Ҳақиқий доно, билимдон кишилар ўткинчи нарсаларга эътибор бермайдилар, дейди. Демак, Кошифий илмни амалиёт билан боғлаб тушунтиради.

Кошифий хар бир ишнинг муваффақиятини билимларни амалда қўлланиши билан белгилаган. Бунда у инсон ақлини фаолиятнинг асоси сифатида талқин этиб, ўз навбатида бу фаолият янги билимларнинг пайдо бўлишига асос бўлади, дейди ва бу фикри билан анча илгарилаб кетади. Масалан, у "Ахлоқи Мухсиний" асарида ақл билан фаолиятнинг ўзаро алоқаси хақида гапирар экан, барча кишилар ақлга эҳтиёж сезади, ақл эса амалий фаолиятга эҳтиёж сезади. Ҳаракат, фаолият ақлнинг кўзгуси саналади. Ақл ёрдамида инсоният тажрибаси, маънавий кадриятлар йиғилиб боради ва келгуси авлодларга етказилади» деб таъкидлайди. Кошифий шунинг учун ҳам аввало илм-фан, олимларнинг жамиятдаги ўрнига катта баҳо беради, устозларнинг кадрига етиш зарурлигини уқтиради. Иккинчидан, устозга хурмат одоблилик намунаси сифатида ҳам қаралади.

“ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Рус мухожирлари Туркистон генерал -губернаторининг фармонида биноан қандай мақсадда маориф ислохотини ўтказган эдилар.

Рус мактаблари, рус – тубжой мактаблари, гимназия очиш мақсадида;

Рус-тубжой мактабларини очиш мақсадида;

Саводсизликни тугатиш мақсадида;

*Миллий ғурурни йўқотиш мақсадида;

Дастлабки янги усул мактаби Туркистоннинг қайси шаҳрида очилган эди.

*Андижон;

Қўқонда;

Марғилонда;

Тошкентда;

Жадид мактаби Бухородан кейин иккинчи бўлиб қайси шаҳарда очилган эди.

Андижонда;

*Қўқонда;

Тошкентда;

Самарқандда;

XIX асрнинг охирида жадидлар қайси шаҳарларда ўз газеталарини чиқара бошладилар.

Самарқанд, Бухоро, Чоржўй;

*Тошкент, Самарқанд, Бухоро;

Тошкент, Бухоро, Термиз;

Бухоро, Марв, Урганч;

«Музаффария» жадид мактаби қаерда ташкил этилди.

*Бухоро амирлигида;

Хива амирлигида;

Қўқон амирлигида;

Тошкент шаҳрида;

XX аср бошларида Самарқандда дехқон ва ҳунарманд болалар учун мактаб очган маърифатпарварлар.

*Саидахмад Сиддиқий;

Абдулла Авлоний;

Мунаввар Қори Абдурашидхонов;

Анбар Отин;

Янги усул мактаблари учун ёзилган «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб») номли қўлланма муаллифи.

Шукурый;

Фитрат;

*Беҳбудий;

Сиддиқий;

Маълумки, 1917 йилда Тошкент шаҳридаги Қоратош маҳалласида бир неча маҳалла фаолларининг саъйи ҳаракати туфайли «Саъдий» номидаги мактаб ташкил этилган. Бу мактаб ташаббускорлари....

А. Авлоний, Фитрат;

*М. Садиқова, М. Аҳмедова, Т. Солиҳова;

Б. Жалилова, С. Айний;

Чўлпон, А. Шуқурий, Қори Ниёзий;

Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида 1917 йил декабрда ташкил этилган хотин-қизлар мактабининг асосчиси.

М. Сидиқова;

Т. Солиҳова;

М. Аҳмедова;

*Б. Жалилова;

Маълумки, 1917 й. 9-14 май кунлари Тошкентда ўқитувчиларнинг 1 ўлка қурилтойи бўлиб ўтган эди. Мазкур қурилтойда рус-тубжой мактабларининг яроқсиз эканлигини исботлаб, миллий мактаб ғоясини илгари сурган зиёллилар.

*С. Мақсудов, Ф. Егоров, А. Зимин;

А. Фитрат, Ф. Егоров, А. Зимин;

Ҳамза, А. Авлоний;

Камол Шамс, М. Беҳбудий;

Абдурауф Фитрат ҳамда Камол Шамс дарс берган «Анжумани маориф» жамияти хомийлигидаги мактабни аниқланг.

Хуррият;

Анжумани маориф;

Туркистон;

*Рушдия;

«Тарбият» мактабини асосчиси

*Ҳожи Муин Шуқурулло;

Абдурауф Фитрат;

Камол Шамс;

Абдуқодир Шуқурий;

Туркистон халқ университетининг тантанали очилиш маросими қачон бўлган

*1918 й. 21 апрель;

1918 й. 13 майда;

1918 й. 8 майда;

1919 й. 2 сентябрда;

Туркистон халқ университетида дастлабки маърузаларни ким ўқиган.

*Аҳмад Файзий;

Бурҳон Ҳабиб;

Иброҳим тоҳирий;

Усмон Ҳўжаев;

1918 йилнинг ёзида «Мусулмон ўқитувчилари учун» қаерда педагогик курслар очилган.

*Самарқандда;

Бухорода;

Тошкентда;

Наманганда;

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида мусулмон аҳоли учун очилган «Халқ дорилфунуни» санасини кўрсатинг.

1918 йил 9 апрель;

1918 йил 3 май;

*1918 йил 13 май;

1918 йил 2 июн;

Тошкентда очилган «Дорилмуаллимин» санасини кўрсатинг

1918 йил 9 апрель;

1918 йил 13 май;

*1918 йил 2 июн;

1919 йил 2 сентябрь;

Тошкентла маҳсус шарқшунослик ихтисослигидаги олий таълимнинг тўнғичи – Туркистон Шарқ институти ўз фаолиятини қачон бошлаган.

1918 й сентябрда;

*1918 й ноябрда;

1919 й сентябрда;

1920 й ноябрда;

Биринчи алифбо «Совға» (1919) ҳамда «Ўзбек алифбоси»(1922)каби дарслик муаллифи...

Қаюм Рамазон;

*Шокиржон Раҳимий;

Абдулло Авлоний;

Абдулқодир Шакурий;

1922 йилда Ўрта Осиёдан Германияда ўқиш учун нечта ёш юборилган.

75 та;

*70 та;

82 та;

100 та;

20—йиллар бошида Самарқандда очилган мактабга ким мудирлик қилган.

*Абдулқодир Шакурий;

Қори Ниёзий;

Рафиқ Мўмин;

Маҳмудхўжа Бехбудий;

«Ўзбекча тил сабоқлари» (1925й) китобининг муаллифлари.

*Қаюм Рамазон ва Шорасул Зуннун;

Мунаввар Қори, Фитрат Шорасул Зуннун;

Комол Шамс,Хайдар Шавқий ва Шорасул Зуннун;

Мунаввар Қори, Қаюм Рамазон, Комол Шамс;

20-йилларнинг биринчи ярмида Туркистонда янги мактаблар очиш ва уларни ривожлантиришнинг фаолларини аниқланг.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Т.Шермухаммедов, Т.Н.Қориниёзий;

Ҳ.Ҳ. Ниёзий, М.Абдурашидхонов, С.Айний;

Т.Н.Қориниёзий, С.Айний, Т.Шермухаммедов;

*Чўлпон, А.Фитрат, С.Айний;

1924-25 ўқув йилида Республика бюджетининг неча фойизи халқ маорифи учун ажратилган.

16%;

15%;

*24%;

25%;

Ўзбекистонда умумий етти йиллик таълимни амалга оширишга қачон киришилди.

1920 йилларнинг бошларида;

*1930 йилларнинг охирида;

1930 йилларнинг бошларида;

1930 йилларнинг ўрталарида;

Октябрь давлат тўнтаришига қадар ўлка аҳолисининг неча фоизи саводхон эди

97%;

33%;

27%;

*21%;

Янги усул мактаблари ичун биринчи бўлиб «Устои аввал» алифбосини ким яратган.

Шукурий;

*Сайид Расул Саид Азизов;

Беҳбудий;

Ҳамза;

«Тараддуд бирла мактабда ўқинг ўғлонлар, ўғлонлар. Бўлурсиз бир кун оламда зўр инсонлар, ўғлонлар». Бу тўртликнинг муаллифи..

Ҳамза;

Фитрат;

*Авлоний;

Беҳбудий;

«Педагогия, яъни бола тарбиясининг фани демакдир».

Педагогикага бу таъриф ким томонидан берилган

Шакурий;

*Авлоний;

Ҳамза;

С.Айний;

«Раҳномаи савод» алифбосини ва «Товуш ҳарф» методини ишлаб чиққан педагог олимни кўрсатинг.

Беҳбудий;

Ҳамза;

Авлоний;

*Шакурий;

Бехбудий очган мактабда таълим жараёни неча босқичдан иборат бўлган.

4 босқичдан;

3 босқичдан;

*2 босқичдан;

5 босқичдан;

«Ўқиш китоби» ва «Енгил адабиёт» ўқув қўлланмаларининг муаллифи ким.

Фитрат;

Бехбудий;

Шакурий;

*Ҳамза;

Туркистонда биринчи бўлиб «Етимлар ва камбағаллар болалари» учун мактаб очган маърифатпарвар педагогни кўрсатинг.

Фитрат;

Авлоний;

Шакурий;

*Ҳамза;

1933 йил бошларида халқ таълими тизимларида ўтказилган «тозалаш» оқибатида

Ҳар 3 нафар ўқитувчидан 2 таси ҳибсга олинди;

Ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан «ишончсиз» бўлган муаллимлар мактабдан ҳайдалиб, улар ўрнини ёш ва иқтидорли, ўта билимдон, ижтимоий жихатдан «ишончли» деб топилган муаллимлар эгаллади;

*Ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан «ишончсиз» бўлган минглаб билимдон ва тарбиявий муаллимлар ҳайдалиб, улар ўрнига қисқа муддатли курсларни битирган савияси паст, лекин ижтимоий жихатдан «ишончли» қатламлардан иборат муаллимлар ишга жалб этилди;

Ҳар 4 нафар ўқитувчидан 3 таси ҳибсга олинди;

1914 йилга келиб республикадаги мавжуд мактаблар ва ўқитувчилар сони.

5504 та ва 1 мил. 315 минг ўқувчи;

160та мактаб ва 17209 ўқувчи;

4749 та 1 мил 2.. минг ўқувчи;

*5500 та мактаб ва 1 мил. 290 минг ўқувчи;

«Педагогика фанлари доктори» илмий даражасига биринчи бўлиб сазовор бўлган олим.

Убай Орипов;

Иминжон Қодиров;

*Сиддиқ Ражабов;

Абдулла Авлоний;

XX асрнинг 60-йилларида республикамиз мактабларида ниҳоятда бой ва кўхна ўзбек халқи тарихини ўрганишга 52 соат ажратилган ҳолда,

бошланғич мактабларда рус тили ва адабиёти фанларини ўқитиш учун қанча соат ажратилган эди.

998 соат;

*1600 соат;

1224 соат;

876 соат;

1970-1990 йилларда Педагогика фанлари Академияси Президиумининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатган ўзбек олими.

З.Миртурсунов;

И.Қодиров;

*С.Ражабов;

Ҳ.Абдуллаев;

Таълимни ислоҳ қилиш борасида рўёбга чиқарилган тармоқ дастурларини аниқланг

*«Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат»;

«Қишлоқ мактаби»;

«Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тиклаш»;

Юқоридаги барча дастурлар;

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларнинг қайсыларини ўз ичига олган.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини;

Илмий—педагогик муассасаларни ;

Таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашлик орхоналар, муассасалар ва ташкилотларни;

*Юқоридагиларни барчалари;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган

1992 й;

1995 й;

*1997 й;

1994 й;

«Таълим тўғрисида»ги янги Қонун қачон қабул қилинган

1992 й;

1996 й;

1995 й;

*1997 й;

Ислом Каримов қайси асарида «Кадрлар танлашда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси бугун жуда катта аҳамиятга эгадир»-- деб таъкидланган.

*Буюк мақсад йўлида оғишмайлик;

Истиқлол ва маънавият;

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли;

Миллий истиқлол мафкуриси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир;

И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси XI сессиясидаги сўзлаган нутқида олий ўқув юртлари ислохотини амалга

оширилаётганда йўл қўйиладиган нуқсонларни бартараф этиш учун асосан нечта масалага эътиборини кўпроқ қаратишни талаб этади.

3 та;

2 та;

4 та;

*5 та;

«Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак» - ибораси Ислом Каримовнинг қайси асарида таъкидланган.

*Баркамол авлод - Ўзбекистоннинг тараққиёти пойдевори;

Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик;

Баркамол авлод орзуси;

Ўзбекистон келажаги буюк давлат;

Педагогика оламига савол жавоб ва «эвристик» суҳбат методини олиб кирган файласуф олим ким

Платон;

*Сукрот;

Арасту;

Демокрит;

«Синф-дарс тизими»нинг асосчиси...

Авлоний;

Ҳамза;

*Коменский;

Ушинский;

Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика»асари нечанчи йилда ёзилган.

1630й;

1631й;

1633й;

*1632й;

«Болалар дунёси», «Она тили»дарслигининг муаллифи ким.

Коменский;

Авлоний;

*Ушинский;

Саид Расул Азизий;

Ушинский нечанчи йили «Халқ маорифи» журналининг муҳаррири этиб тайинланган.

*1860й;

1857й;

1867й;

1861й;

«Такрорлаш билимнинг онасидир». Ушбу ибора қайси педагог олимнинг фикрига мансуб.

Шакурий;

Ҳамза;

Коменский;

*Ушинский;

Ҳозирги кунда иқтисодий ривожланган жаҳон мамлакатларининг қайси бирида халқ таълими тизими яхши ривожланган.

Япония;

Англия;

*АҚШ;

Франция;

Қачон Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди.

*1908й;

1910й ;

1905й;

1916й;

АҚШ мактабларида ўқув йили неча кунни ташкил этади.

200 кун;

*180 кун;

170 кун;

240 кун;

Франция давлатида ҳозирги кунга қадар амал қилиб келаётган .

«Таълим ҳақида»ги қонун қачон қабул қилинган

1955 й. 8 декабрда;

1975 й. 15 августда;

*1989 й 10 июлда;

1974 й 11 мартда;

«Кичкинтойлар таълим-тарбиясига ота-оналар масъулиятини кучайтириш» қуйидаги қайси давлатлар таълим тизимида акс эттирилган?

АҚШ;

*Япония;

Германия;

Франция;

Ўқувчини илк давриданок касб-корига йўналтириш, уларни ўз Ватанига фахр ва ифтихор руҳида тарбиялаш қуйидаги қайси давлатлар педагогикасида асосий ўрин эгаллайди.

*АҚШ;

Япония;

Германия;

Франция;

Жаҳоннинг қайси давлатларида мунтазам равишда ҳар йили 21 октябр куни «Ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини аниқловчи тест саволлари» ўтказилади.

*АҚШ;

Япония;

Германия;

Франция;

Педагогика тарихи фани нимани ўргатади

Тарбия, мактаб, маориф ва педагогика соҳасидаги илғор фикрларни;
Ўтмиш мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид илмий меъросини;
*Турли тарихий даврлардаги тарбия, мактаб ва педагог назариялар;
Таълим-тарбиянинг мазмуни ва методларини;

Педагогика тарихи қандай фан

Сиёсий;
Ҳуқуқий;
*Ижтмоий;
Дидактик;

Истиқлолга эришганимизга қадар тарбия жараёни.

*Европа педагогикасига асосланган эди;
Европа ва шарқ педагогикаси муштараклигига асосланган;
Миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган эди;
Ижтимоий тарбия асосида ривожланган эди;

Педагогика тарихи фанини ўрганиш жараёнида ўқитувчига хос қандай малакалар шаклланади

*Педагогик маданият, педагогик маҳорат;
Педагогик маҳорат ва нутқ маданияти;
Педагогик маданият ва педагогик маҳорат;
Барча жавоблар тўғри

1924 йил Туркистон парчаланиши оқибати

Қомусий илмлар битилган ёзув ман этилган;
Марказий осие халқларининг ўз маданият тарихини ўрганиш;
Миллий маданият йўли аста-секин тўсила бошланди;
*Эски ўзбек ёзуви жорий этилди;

“Халқимиз таянчи- аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир ҳазина. Бу ҳазинадан оқилона фойдаланиш лозим”- ибораси юртбошимиз Ислон Каримовнинг қайси асарида таъкидланган

*Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик;
Тарихий хотирасиз келажак йўқ;

Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман;
Амир Темур-фахримиз ғуруримиз;

Миллий мафқурани шакллантиришдаги энг катта манба-бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Ушбу ибора Ислон Каримовнинг қайси асарида баён этилган.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ;

*Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир;
Ўзбекистон XXI аср бўсағасида;
Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли;

Президент Ислон Каримов ўзининг қайси асарида миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқуранинг асосий моҳиятини ёритиб берган.

Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори;
Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк;
Ўзбекистон келажаги буюк давлат;

*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ;

Энг қадимги даврда яқка тартибдаги оилаларнинг вужудга келиши сабабларини кўрсатинг.

*Ижтимоий онг фаолиятининг такомиллашуви;

Микролитларнинг пайдо бўлиши;

Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши;

Хусусий мулк дастлабки куртакларининг пайдо бўлиши;

Энг қадимги маданий бойликларнинг ўрганишдаги манбалар қайси жавобда тўлиқ ўз аксини топган.

Халқ оғзаки ижоди материаллари;

Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси;

*Халқ оғзаки ижоди, буюк адиблар, алломаларнинг асарлари, Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар;

Барча жавоблар тўғри

Ибтидоий жамият даврида кишиларнинг меҳнат фаолияти уч гуруҳга бўлинган. Булар қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

Гўдақлар болалар ва ўсмирлар ҳамда кексалар;

*Болалар ва ўсмирлар, ҳаёт ва меҳнатда тўла иштрок этувчилар, кексалар;

Болалар ва ўсмирлар, балоғат ёшига етган йигитлар ва қизлар, меҳнатга лаёқатсиз кишилар;

Ёшлар йигитлар фахрилар;

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги кишилар, уларнинг бир-бирига, атроф-муҳитга, касб-корига муносабат борасидаги илк фикр ва тасаввурлари ифодаланган манба.

Юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» китоби;

Аҳмонийлар ҳуқумдори Доро 1 нинг «Беҳустун ёзувлари»;

*«Авесто»;

«Қуръони Карим»;

Ибтидоий жамиятда бола ўзининг ҳаёт фаолияти жараёнида...

Катталар раҳбарлигида жамоа бўлиб меҳнат қилишга ва ҳаёт кечиришга ўрганар эди;

*Катталарнинг ишларида қатнашиб, улар билан кундалик муомалада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди;

Ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан бирга ов қилиш ва балиқ тутишда, қурол ясашда қатнашар эди;

Барча жавоблар тўғри

Ибтидоий жамоа давридаги маърифий тафаккурнинг дастлабки куртаклари.

*Юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» китобларида баён этилган;

Фольклорлардаги ўз аксини топган;

«Беҳустун» ёзувларида ифодаланган;

Барча жавоблар тўғри;

Зардуштийлик ахлоқининг асоси бу...

*Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал;

Эзгу ният, эзгу ихлос, эзгу амал;
Эзгу калом, эзгу ҳаёл, эзгу тилак;
Фалсафа, сиёсат эътиқод;

«Мехнат ахлоқийликни асоси, саховатлилик белгиси»- деб, қайси таълимотда кўрсатилган?

*Зардуштийлик;

Маздакийлик;

Нақшбандия;

Кубровия;

Марказий Осиёда мусулмон мактаблари тизими қайси тарихий даврда ташкил топган

VII аср;

*VIII-XII аср;

XII-XVII аср;

XIV-XVII аср;

«Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан олдин ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади»- ибораси муаллифи ким

Арасту;

Кайковус;

*Абу Лайс Самарқандий;

Абу Али ибн Сино;

«Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан олдин ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади»- деган ибора қайси аллома асарида баён этилган.

Ибн Синонинг «Донишнома» асарида

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида

*Абу Лайс Самарқандийнинг “Бўстонул—орифин” асарида

Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида

«Кимга қандай панду—насихат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил»

Амир Унсурул—Маолий Кайковус;

*Абу Али ибн Сино;

Аҳмад Югнакий;

Абу Лайс Самарқандий;

Тарбиянинг асосий белгиларидан бири, болага яхши исм қўйиш, илму адаб ўргатиш, ота-онага, умуман, катталарга ҳурмат ҳиссини сингдиришдан иборатлигини уқтирган аллома

Аҳмад Яссавий;

Ал Фаробий;

Ал Беруний;

*Алишер Навоий;

Дастлабки араб тилидаги мактабларнинг яратилишига нималар таъсир этди.

*Ислом ғояларининг тарқалиши;

Қуръони Каримнинг тарқалиши;

Болаларни тарбиялаш зарурлиги;

Болаларни меҳнатга тайёрлаш зарурлиги;

Ўрта Осиёдаги илмий педагогик асарларнинг пайдо бўлиши қайси тарихий даврга тўғри келади.

*XIII-XV асрлар;

IX- XII асрлар;

XVI-XIX асрлар;

XVII-XVIII асрлар;

Ҳадис илмининг яратилишида олтин давр қайси асрга тўғри келади.

VII аср;

*VIII-IX асрлар;

XV аср;

XVI аср;

«Ас-Саҳих» тўплами қайси муҳаддис-ватандошимиз ижодига мансуб

*Имом Исмоил ал-Бухорий;

Имом Исмоил ал-Нишопурий;

Имом ибн Можжа;

Имом ибн Исо ат-Термизий;

Ҳадис илмида «Саҳих» йўналишининг асосчиси ким

*Имом ал-Бухорий;

Абу Исо ат-Термизий;

Имом Аҳмад ан- Насоий;

Имом Абу Довут Сулаймон Сижистоний;

«Ал-Жоме ас-саҳих» асарининг муаллифи ким

Имом Бухорий;

*Ат Термизий;

Ан-Насоий;

Аҳмад Яссавий;

Шарқ «уйғониш даври» га оид илм-фан ривожланишидаги уч йўналиш бу

*Математика-табиёт, ижтимоий иқтисодий, таълимий-ахлоқий;

Таълимий-фалсафий, таълимий-ахлоқий, математика-табиёт;

Математика-табиёт, ижтимоий-фалсафий, таълимий-ахлоқий;

Таълимий-ахлоқий, ижтимоий-гуманитар, таълимий-ахлоқий;

Марказий Осиёда биринчи бўлиб таълим тарбияга таъриф берган аллома...

Ал-Хоразмий;

*Ал-Фаробий;

Ал-Фарғоний;

Ал-Беруний;

Фаробийнинг қайси асарида давлат раҳбарини ўн икки фазилати кўрсатилади.

*«Фозил шаҳар аҳолиси»;

«Ақл тўғрисида рисола»;

«Муסיқа тўғрисида тракт»;

«Рух маданияти хақида рисола»;

Инсон камолотида уч нарса «ирсият, мухит, тарбия» муҳим роль ўйнайди деган фикрни илк бор илгари сурган олим..

Фаробий;

*Беруний;

Ибн Сино;

Ал Мотрудий;

«Донишнома» асарининг муаллифи

Фаробий;

Беруний;

Ал Мотрудий;

*Ибн Сино;

«Девони луғотит турк» нинг шерий тўплами қайси йили немис тилига таржима қилиниб нашр этилган

1806 йил;

1894 йил;

*1914 йил;

1930 йил;

Туркий тилдаги яратилган дастлабки таълимий-ахлоқий асар қайси

Девони луғотит турк;

*Қутадғу билиг;

Хиббат ул- Хақойиқ;

Маҳбуб ул қулуб;

«Девони луғотит турк» асаридаги шеърини парчаларни йиғиб таржима қилган, уларнинг луғатини тузган ва китоб ҳолда нашр этган ўзбек олими.

Абдулла Авлоний;

*Абдурауф Фитрат;

Чўлпон;

Маҳмудхўжа Беҳбудий;

Хиббат ул-хақойиқ асарининг муаллифи

Юсуф Хос Хожиб;

Алишер Навоий;

Кайковус;

*Аҳмад Югнакий;

Мовароуннаҳрда давлат арбобларидан ким XV асрда мактаблар ислохотини ўтказди

А.Темур;

*Улуғбек;

Бобур;

Навоий;

«Билимга интилиш» ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарзидир”.

Ушбу фикр кимга тегишли

А.Темурга;

*Улуғбекка;

Бобурга;

Навоийга;

Амир Темур тузукларида жамоани бошқарувчи раҳбар фазилатлари

*Ишбилармон, мард, шижоатли, узоқни ўйлаши, ҳар бир ишда маслаҳат олмоқ, олатли бўлмоғи;

Адолатли, жасур, ишчан бўлиш;

Ўйлаб иш тутиш, сабр қаноатли, маслаҳат олмоқ;

«Бобурнома» қайси тилда ёзилган

Форс тилида;

*Эски ўзбек тилида;

Араб тилида;

Лотин тилида;

«Бобурнома» қачон ёзилган?

1520-1522;

*1523-1526;

1525-1530;

1518-1521;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзанд тарбиясига доир усуллари тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг

*Ота-она фармони бажариши, барча инсонларга яқинликни ҳис этиш, ота-она брати, тўғри талибларни қўйиш;

Талабчан, уддабурон, қатъиятлилиқ;

Ота-онанинг ибрати, талабчанлиги;

Меҳр, талабчанлик, яқинлик;

Иноқлик, меҳр оқибат, ибрат, намуна;

«Ер суръати», «Ал жабр ва ал муқобала» асарларининг муаллифи

Фаробий;

Беруний;

*Ал Хоразмий;

Ал Фарғоний;

Марказий Осиё мутафаккирларидан қайси аллома биринчи марта болаларни жамоа бўлиб мактабда ўқитишнинг аҳамиятини илмий асослаб берган.

Беруний;

Фаробий;

Ал Хоразмий;

*Ибн Сино;

«Омонлик тиласанг агар сен ўзинг, тилингдан чиқарма яроқсиз сўзинг» ибораси қайси алломанинг фикрига мансуб.

Беруний;

Ибн Сино;

*Юсуф Хос Хожиб;

Аҳмад Югнакий;

«Ўқув қут беради, билим шараф-шон. Шу иккови туфайли, улуғдир инсон» ибораси қайси асардан олинган

«Тадбир ал-Монозил»;

«Қобуснома»;

*«Қутадғу билиг»;

«Шохнома»;

Кайковуснинг «Қобуснома» асари неча бобдан иборат

41;

39;

*44;

37;

«Билгил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда чўкмас»,- бу фикрнинг муаллифи.

Аҳмад Югнакий;

Юсуф Хос Хожиб;

Махмуд Қошғарий;

*Кайковус;

Жувонмардлик йўлини танлаган ёшларга қуйидагиларни яъни «кўзни ёмон нарсадан, қулни ёмон ишдан» тавсия этган аллома. . .

Юсуф Хос Хожиб;

*Кайковус;

Махмуд Қошғарий;

Мар аз- Замахшарий;

“Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас”. Бу фикр қайси асардан олинган

“Аш-Шифо”;

“Геодезия”;

*“Қобуснома”;

“Донишнома”;

“Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир ва қобилиятсизга тарбия ҳайф”. Юқоридаги фикрнинг муаллифи ким

Кайковус;

Юсуф Хос Хожиб;

*Навоий;

Аҳмад Югнакий;

Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарида одоб-ахлоққа доир асосий ғоялар.

*Адолат, мурувват, сахийлик, одоб, камтарлик, қаноат, инсоф, ишқвафо; Севги, камтарлик, олийжаноблик, одобийлик;

Ахлоқ, қаноат, сабр, тоқат;

Тўғрилиқ, ростгўйлик, меҳр;

Алишер Навоий Ҳиротда қурдирган мадрасасига қандай ном берган

Бадиъа;

*Ихлосия;

Ҳалосия;

Шифохия;

“Устод, муаллимсиз қолганда замон нодонликдан қаро бўлурди жаҳон”.

Бу сатрлар муаллифи ким

Навоий;

Давоний;

*Жомий;

Хожиб;

Муаллим бу. “Маънавий падар”, -ибораси қайси алломанинг фикрига мансуб?

Воиз Кошифий;

Ҳожиб;

Кфаковус;

*Довоний;

“Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” деб номланган асарининг муаллифи ким,

Югнакий;

Жомий;

Довоний;

*Воиз Кошифий

“Мен икки маҳбубни кўрдим, иккиси киндиги бир, гар алар орасига тушсанг бўлурсан касир”. Ушбу сатрлар қайси отиннинг қаламига мансуб

Анбар отин;

Дилшод отин;

*Жаҳон отин;

Қамар бону;

Мухаммад Содик Қошғарийнинг “Ооб ас-Солиҳин” асари неча бобдан иборат

2;

4;

3;

*7;

Мовароунаҳрдаги дастлабки диний мактаблар тизими. . .

Қорихона, отинойи мактаблари;

Мадраса, мачитлар қошидаги мактаб, қорихона, киссахоналар;

Киссахона, мадраса, бошланғич диний мактаб;

Далилхона, қорихона, бошланғич мактаб;

*Бошланғич диний мактаб, отинойилар мактаби, қорихона, далилхона, мадраса;

Ибтидоий жамоа даврларида тарбиянинг юзага келишига сабаб бўлган шарт-шароитлар нималардан иборат эди

Қоҳинлар ва оқсоқолларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти;

Болаларнинг катталарга тақлиди;

*Ибтидоий кишиларнинг меҳнат фаолияти ва бунда таркиб топган ижтимоий муносабатлар;

Кишиларнинг ўз насил-насабини давом эттиришда табиий-биологик негизга асосланиши.

Педагогика тарихи қандай фан

Сиёсий;

Хуқуқий;

*Ижтимоий

Маънавий

Бола ўзининг ҳаёт фаолияти жараёнида, катталарнинг ишларига қатнашиб, улар билан кундалик муомилада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди. Кейинроқ одат бўлиб қолганидек, ҳаётга ҳозирланибгина қолмасдан, шу билан бирга, ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита қўшилиб ҳам кетаверади, катталар билан бирга ва уларнинг раҳбарлигида меҳнат қилишга ва ҳаёт кечиришга ўрганар эди.

Мазкур фикр қайси даврда бола тарбиясини ёритган

Қулдорлик жамиятида.

Ибтидоий жамиятда.

*Феодал жамиятда

Ибтидоий жамоанинг емирилиш даврида.

Туркий тилдаги яратилган дастлабки таълимий-ахлоқий асар 3айси

*Девони лу²атит турк;

£ута²у билиг;

Хиббат ул- Ха³ойи³;

Мацбуб ул ³улуб;

«Такрорлаш билимнинг онасидир». Ушбу ибора 3айси педагог олимнинг фикрига мансуб

Шакурий;

Ўамза;

Каменский;

*Ушинский;

«Педагогика фанлари доктори» илмий даражасига биринчи бўлиб сазовор бўлган олим

Убай Орипов;

Иминжон £одиров;

*Сидди³ Ражабов;

Абдулла Авлоний;

Истиклолга эришганимизга қадар тарбия жараёни ...

*Европа педагогикасига асосланган эди.

Миллий ва умуминсоний кадрларга асосланган эди.

Ижтимоий тарбия асосида ривожланган эди.

Шарқ педагогикасига асосланган эди.

Энг қадимги даврлардаги маънавий маданиятимиз, хусусан болалар тарбияси тизимини ўрганишда асос бўлган манбани айтинг.

Қуръони Карим

Ибн Сино “Ахлоқ ҳақида рисола”

Қадимги Юнон ва Римлик файласуф- марифатпарварларнинг асарлари.

*“Авесто”

Ўрта Осиёда илмий – педогогик асарларнинг пайдо бўлиши қайси тарихий даврга тўғри келади.

VII-VIII асрлар

XIII-XV асрлар

*IX-XII асрлар

XIX асрлар

Амир Темур тузукларида жамоани бошқарувчи раҳбар фазилатлари сифатида нималарни кўрсатади

*Ишбилармон, мард, узоқни ўйлаши ҳар бир ишда, маслаҳат олмоқ, адолатли бўлмоғи;

Адолатли, жасур ишчан бўлиш;

Оила бошлиғи мард жасур;

Тўғри жавоб йўқ

Мовароуннаҳрда давлат арбобларидан ким XV асрда мактаблар ислохотини ўтказди

А.Темур

*Улуғбек

Бобур

Навоий

“ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ ” ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ (АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ)

Педагогика тарихи – қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганиб келадиган фандир. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқлир.

Педагогика тарихи

фанининг методологияси – миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқ педагогикаси, Марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларининг илмий ва маънавий мероси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таълим – тарбияга оид асарлари ва миллий истиқлол ғояси ҳақидаги назариялари ҳисобланади.

Академия – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Ахлоқ (лотинча «moralis» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.

Ахлоқий онг – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

Ахлоқий тарбия – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Ақлий тарбия - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти,

тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Байналминаллик («inter» – орасида, ўртасида, аро, «natio» – халқ)– ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-хуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилат.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олиш – борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Билиш - объектив борлиқнинг инсон онгида акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

Ватанпарварлик (лотинча «patriotes» – ватандош, «patris» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

Гносеология (юнон тилидан gnosis – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

Дидактик тизим (юнонча «systema» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнини яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Жинсий тарбия - ўзида шахсни жинсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик қилиш ва масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган педагогик фаолият мазмуни.

Жисмоний тарбия - ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган

педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Илмий дунёқараш - узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлашган дунёқараш шакли.

Илмий тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашув.

Илмий қараш (юнонча «idea» - ғоя, тасаввур, тушунчалар йиғиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Кўникма – олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

Маданият («cultura» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Малака – онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми.

Мафкура (арабча «мафкура» - нақтаи назар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий юксаклиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи ғоялар тизими.

Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) – моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи.

Маърифат – шахс онгига илмий билим, ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш,

таълим-тарбияни такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний кадриятларни ўрганиш, уларни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Меҳнат тарбияси - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англашиш, уларда меҳнатга оғли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Педагогика (юнонча «paidagogike» бўлиб, «paidagogos» - бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Тарбия жараёни - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

Тарбия мазмуни - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

Тарбия методи (юнонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

Тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли).

Университет - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Фаолият - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

Эстетик тарбия - ўқувчиларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Эътиқод - дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик иқтисодий, ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч.

Ҳуқуқий маданият – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

“Педагогика тарихи” фанидан адабиётлар рўйхати

1. Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. – Т.: Istiglol, 2004.
2. Hashimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. – Т.: 2005.
3. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
4. Педагогика назарияси ва тарихи. 1қисм. Педагогика назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик./ М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий тахрири остида. “Иқтисод-молия”, 2007.-380 б.
5. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи.- Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
6. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи.- Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
7. Абдуллаева Ш. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004.
8. Иноғомов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика фани ХХI асрда. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2000.
9. Зиёмухамедов Б. Педагогика. – Т.: Турон-Иқбол, 2006.
10. Mavlonova R., To'raeva O., Xoliqberdieva K. Pedagogika. – Т.: O'qituvchi, 2001.
11. Asqarova O' M., Nayitboev M., Nishonov S. – Т.: Talqin, 2008.
12. Pedagogika. // М.Тохтаходжаеванинг умумий тахрири остида. – Т.: O'zbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati, 2010.
13. Ziyomuxammedov B. Pedagogika. – Т.: Turon-Iqbol, 2006.
14. Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh.A. Pedagogika nazariyasi. - Т.: Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2008.
15. Сафо Очил., Ҳошимов К. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1999.
16. Темур тузуклари. / Форсчадан А.Соғуний ва Х.Кароматов таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
17. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
18. Хайруллаев М. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
19. Хоразм Маъмун академияси. – Т.: Фан, 2005. Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
20. Ҳабибуллаев А. Навоий пандномаси: “Махбуб-ул-қулуб”. – Т.: Фан, 1996. Ҳасанбоев Ж., Ҳасанбоева О., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
21. Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. – Т.: Адолат, 2001.
22. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004.
23. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

24. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.